



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 6 (9502). • 1989 йил 7 январь • Баҳоси 5 тийин

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 5 январда бўлиб ўтган мажлисида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига кўрсатиладиган номзодлар хусусида иттифокдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари тақдим этган, шунингдек бошлангич партия ташкилотларидан ва коммунистлардан бевосита КПСС Марказий Комитетига тушган таклифларни кўриб чиқди. Номзодларни танлаб олиш жараёни демократик характерда эканлиги, кўйиндан келаётганлиги, унда кўпгина партия ташкилотлари фаол қатнашганлиги қайд этилди. Қайта қўришга ўз савдоқатини, янгиликсига ишлаган маҳоратини амалда исботлаётган коммунистлар кенг қўламада кўллаб-қувватланмоқда. Тушган таклифларни КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 10 январда бўладиган Пленуми муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

Сиёсий бюро нархларни белгилашнинг қарор топган практикасидаги камчиликларни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида СССР Министрлар Советининг таклифларини кўриб чиқди. Шу муносабат билан таклиф этилаётган чора-тадбирлар ишлаб чиқариш-тех-

ника учун аталган маҳсулотларнинг, моллар ва хизматларнинг нархлари уларнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини, истеъмол хусусиятлари ва сифатини яхшилашга нисбатан илдамроқ ўсишдан иборат салбий тенденцияни тугатишга, шунингдек талаб қилинаётган арзон моллар ишлаб чиқаришни аҳолининг манфаатларига зарар келтирадиган тарзда қисқартиришга қарши қаратилган.

Айниқса, болаларга, шунингдек катта ёшдаги кишиларга аталган молларнинг сонал арзон нархлари белгиланишида давлат буюртмаларининг ролини ошириш зарур, деб топилди, сифати яхшилانган молларнинг нархларига вақтинча устамаларнинг, ҳамда янги маҳсулотлар шартномавий нархларининг қўлланилиши тартибга солинад.

«СССРда кооперация тўғрисида»ги СССР Қонуни доирасида кооперативлар ишлаб чиқараётган маҳсулотни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, унинг нархларини давлат нархларига яқинлаштириш учун ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратиш зарурлиги таъкидланди. Ўз маҳсулотини давлат нархидан юқори бўлмаган нархларда сотаётган, давлат буюртмаларини бажараётган ёки давлат корхоналари ёхуд ташкилотлари билан

бевосита шартномалар асосида ишлаётган кооперативларга моддий-техника таъминотида, кредит, солиқ соҳасида ва бошқа соҳаларда энгилликлар яратишга устулик берилди. Умумий овқатланиш кооперативлари маҳсулотига хизмат кўрсатиш даражасини эътиборга олиб ва тегишли категориядаги давлат рестороанлари ҳамда кафеларидаги устамаларнинг миқдорларига тадбиқан қўлланиладиган устаме нархларнинг чегарасини белгилашда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ҳуқуқларини кенгайтириш мўлжалланмоқда. Нарх-нево устидан СССР Давлат нарх комитети ва унинг жойлардаги органлари, халқ депутатлари Советлари, шунингдек халқ контроли органлари, касаба союзлари, истеъмолчилар жамиятлари ва клублари томонидан назоратни кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. Сиёсий бюрода «Маҳсулотнинг сифати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР Қонунининг лойиҳаси муҳокама қилинди. Лойиҳада беён этилган ҳуқуқий нормалар маҳсулот сифатини ошириш учун, Европани тинчлик, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик қитъасига айлангириш учун фаол ҳаракат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

700412-СЧЕТГА

ТЎҚИМАЧИЛАР ҲИССАСИ

«УЧҚУН» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари орасида 1966 йилги Тошкент зилзиласининг оғир оқибатларини кўрганлар кўпчилигини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам корхона меҳнат коллективага тушган қўйғун ўз ташвиши деб билди. Бирлашма чеварларининг таклифи билан бир кунлик шанбалик ўтказилиб, ундан тушган савкис минг сўм пул Арманистонга ёрдам фондига ўтказилди. Шанбалик кун Арманистонга Д. Жўраева, С. Санькина, Д. Мусоева, М. Тўлаганова каби ўнлаб ишчилари барчага иборат кўрсатиб меҳнат қилишди. Бирлашмани социал ривожлантириш фондидан ҳам икки минг сўм пул ажратилди.

С. СУЛТОНОВ.



ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР

ЧИНОЗ район сув ҳўжаллиги коллективи Арманистонга ёрдам фондига ўз хиссасини қўшишга қарор қилди. Ҳўжалликда бир кунлик шанбалик ўтказилиб, ундан тушган 909 сўм 700412 счётга ўтказилди. Ахир тома-тома кўл бўлур деб беҳуда айтмаган халқимиз.

М. ФАТКУЛИНА.

«ҚОРҚИЗ БИЛАН УЧРАШУВ»

«Баҳор» концерт залида кичкинтойлар учун намойиш этилаётган спектакль ана шундай номланди. Бу ажойиб сахна асарини республикада хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат рақс ансамбли коллективи тайёрлаган. Қизиқарли ҳамда ранг-баранг эпизодлардан иборат бўлган мазкур спектаклда Гули Рифатова, Мухаббат Ҳолиқова, Гулчехра Ҳамраева сингари таниқли санъаткорлар иштирок этмоқда. Жажжиларимизнинг сеvimли қахрамони — Қорбобо ролини Горький номли театр артисти Владимир Голованов қўйилмақом қилиб ижро этмоқда.

Концерт зали фойсесида днд билан безатилган арча атрофида қизиқчилар, цирк артистлари иштирокида турли хил ўйин ҳамда конкурслар ўтказилмоқда. Унда оғлиб чиққан болаларга совғалар топширилмоқда.

Шу кунга қадар янги йил спектаклида юзлаб кичкинтойлар иштирок этишди.

М. НАЗАРОВ.

Суратларде: Қорбобо ва Қорқиз.

Автор фотолари.



КПСС Марказий Комитетиди

«30-40-ЙИЛДАРДА ВА 50-ЙИЛЛАРНИНГ БОШЛАРИДАГИ ДАВРДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН РЕПРЕССИЯЛАРНИНГ ҚУРБОНЛАРИГА НИСБАТАН АДОЛАТНИ ТИКЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА»

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда КПСС Марказий Комитети таъкидлайдики, ҳужжатлар билан асосланган маълумотлар, бевосита КПСС XX ва XXII съездларидан кейин ҳамда сўнги вақтда тўлганган оқлаш таъбираси 30-40-йиллар ва 50-йилларнинг бошларидаги даврда оммавий репрессияларга, ўзбошимчилик практикасига йўл қўйилганидан шак-шубҳасиз далолат бериб турибди. Махсус тузилган судга алоқасиз органлар — «Учлик», «Махсус кенгаш» деб аталган ташкилотлар, шунингдек репрессия қилинувчиларининг рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш практикаси қонунга хилоф ҳаракатларнинг чўққиси бўлди. Бундай практика юз миңлаб совет кишилари учун фожияли оқибат келтирди, мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётига ҳалокатли таъсир ўтказди, одамларнинг онгиде қонун нормаларини ва инсон ҳаётини менсимаслигини қарор топирди. Совет жамиятининг ривожланишига, социализмга, партиянинг обрўсига катта пуғур этказди.

Ҳозирги вақтда тарихий, юридик адолатни тиклаш жуда катта сиёсий аҳамиятга

эга бўлиб қолди. Бизнинг социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидан олға боришимиз, ижтимоий онгининг ривожланиши кўп жиҳатдан ана шу адолатни тиклашга боғлиқ. Бегуноҳ репрессия қилинган кишиларнинг тўла оқланишини, уларнинг хотираси абадийлаштирилишини жамоатчилик, жабр-иддиларнинг қариндош-уруғлари ва яқинлари кутмоқда. КПСС Марказий Комитети СССР Олий Совети Президиумининг қўриб чиқиши учун 30-40-йилларда ва 50-йилларнинг бошларидаги даврда ўша вақтда иш қўрилган «Учликлар», «Махсус кенгашлар» томонидан чиқарилган судга оид бўлмаган қарорларни қонун акти билан бекор қилиш, мазкур органларнинг қарори билан репрессия қилинган барча граждандарни оқланган деб ҳисоблаш ҳақида тақлиф киритишга қарор қилди.

Шу билан бирга бу таъбир Улуг Ватан уруши давридаги Ватан хоинлари ва жазо отрядларининг иштирокчилари, нацист жиноятчилари, миллатчилар ва улар гушматларининг бандит тўдалари иштирокчиларига, жинойий ишларни сохталаштириш билан шуғулланган ходимлар-

га, шунингдек атайлаб қотиллик ва бошқа жинойий хатти-ҳаракат қилган шахсларга нисбатан таъбиқ этилмаслиги таъкидлансин. Санаб ўтилган категориядаги шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукмлар ва бошқа қарорлар устидан шикоят қилиш ҳамда қайта қўриб чиқишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартиби амал қилиши керак.

КПСС Марказий Комитети репрессия йилларида суд органлари томонидан ҳукм қилинганларга оид жинойий ишларни қонунда белгиланган тартибда қўриб чиқишни тезлаштириш зарур, деб ҳисоблайди. Оқланган кишиларга етказилган моддий зарарни белги-ланган тартибда қоплаш, бу ҳақда уларнинг қариндош-уруғларини хабардор қилиши таъминлансин.

КПСС Марказий Комитети халқ депутатлари ўлка, область ва шаҳар Советлари, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари ҳузурда оқланган кишиларнинг ҳуқуқлари ва манфатларини таъминлашда, репрессия қурбонларига ёдгорликлар барпо этишда, шунингдек улар дафн этилган жойларни тегишли тартибда сақлашда совет органларига ёрдам бериш учун халқ депутатлари ва жамоатчилик вакилларида комиссиялар тузиш тўғрисидаги совет жамоатчилиги теклифларини қўллаб-қувватлади.

СОВЕТ ЭЛЧИХОНАСИДА ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ БЎЛДИ

ПАРИЖ, 5 январь. [ТАСС]. Бугун СССРнинг Франциядаги элчихонасида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевга берилган «Йилнинг энг машхур одами» дипломи ва эсдалик медалини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу мукофотни унга «Йилнинг энг машхур одами» халқор жюриси берди, мазкур жюри 1970 йилдан буён турли соҳалардаги энг машхур арбобларни муттасил белгилаб келмоқда.

М. С. Горбачев Ер юзидида тотувлик ва ҳамкорлик муҳитини ажувда келтиришга қаратилган куч-ғайратлари [бу куч-ғайратлар бир қанча дипломатик ғалабаларга олиб келди], унинг Совет Иттифоқиди фаолияти, ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги учун ана шу мукофотга сазовор бўлди, деди тантанали маросимда сўзга чиқиб «Йилнинг энг машхур одами» халқор жюрисининг президенти Лео Сонегон. Бу куч-ғайратларга халқ-

аро ҳамжамият юксак баҳо берди, бу куч-ғайратлар халқор вазиятни яхшилаш, тинч-тотув ашаш учун янги илкониётлар очиб бермоқда. М. С. Горбачев совет халқининг мададига таяниб, СССРда сиёсат, экономика ва маданият соҳасида ҳар жиҳатдан ўзгаришлар йўлини ўтказмоқда.

«Йилнинг энг машхур одами» кимлигини айтишдан олдин халқор жюримиз мутахассислар ва сиёсатчилар билан батафсил маслаҳатлашди, деди ТАСС мухбирига Лео Сонегон. Шундан кейин илгари ана шу фахрий мукофотга сазовор бўлган таниқли сиёсат арбоблари, давлат ва ҳукуматларнинг раҳбарларидан иборат 5 киши ўтган йилнинг энг машхур одами айтидилар. Мен М. С. Горбачевнинг «Йилнинг энг машхур одами» деб сайланишига тўла қўйилмаман, деди маросимда қатнашган Франциянинг машхур кўшикчи Шарль Азнавур. Турли сиёсий маслаҳатчи барча французлар буни маъқулламоқдалар.

Тошкентдаги «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш би-рлашмаси бўлимларида корхоналардаги иш жараёнларини такомиллаштириш, айниқса, автоматлаштириш имконини берадиган турли-туман при-

борлар тайёрланмоқда. Ушбу суратда электротехника асбоблари ва системаларини монтаж қилиш цехини қўриб турибсиз.

В. Миленский фотоси. (ЎзТАГ)



26 март—СССР халқ депутатлари сайловы куни

НАКАЗ: ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон Комитети Президиуми билан Совет Тинчлик фонди Ўзбекистон бўлими превлениеси бюросининг қўшма мажлисида СССР халқ депутатлигига совет Тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг раиси Генрих Ауэзерович Боровик номзодини курсатишни қўллаб-қувватлашни совет Тинчликни ҳимоя қилиш комитетидан сўраш ҳақида қарор қабул қилинди.

Мажлис қатнашчилари яна бундай қарор қабул қилди-лар: совет Тинчликни ҳимоя қилиш комитетидан ва совет Тинчлик фондидан СССР халқ депутатлигига тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон Комитетининг раиси Мирғиёс Аббосович Зои-дов, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси слесари, завод совет Тинчлик фондига кўмаклашиш фондининг раиси Ориф Раҳимхўжаев номзодларини курсатиш тавсия этилсин. Тегишли иттифоқ ташкилотларидан бу номзодларни қўллаб-қувватлашни сўрашга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

307 НОМЗОДДАН 2 КИШИ КЎРСАТИЛДИ

ТОШКЕНТ область комсомол ташкилотларида СССР халқ депутатлигига ЛКСМдан номзодлар кўрсатиш ниҳоясига етди. 3 миңдан ортиқ бошланғич ташкилотлар номзодлар тўғрисида тақлиф киритиш борасидаги ўз ҳуқуқларидан фойдаландилар. Пойтахт области комсомоллари жами 307 номзодни тавсия этдилар. Улар сафида комсомол ходимлари, ишчилар синфининг илгор вакиллари, колхозчилар, зиндилар, янқодкор ёшлар, қайта қўришнинг актив курашчилари бор.

Тавсия этилган ҳар бир номзод тўла демократия ва кенг ошқоралик вази-яда муҳокама қилинди. Барча тақлифлар бошланғич комсомол ташкилотлари ва комсомол активларининг зонал йиғилишларида, район ва шаҳар комсомол комитетларининг кенгайтирилган бюро мажлисларида атрофчила муҳокама қилинди.

Тавсия этилган номзодларнинг аксарият кўпчилиги ўзининг назарий мас-лаҳи ва амалий ҳаракат про-граммасига эга эди. Комсомолнинг сиёсий систе-

мадаги роли, ёшлар сиёса-тини шакллантириш, комсомолни қайта қуриш, уни демократлаштириш, комсомолнинг норасмий ёшлар ташкилотлари билан ўзаро муносабати каби масала-ларни қамраб олган бу программалар уни муҳока-ма этиш пайтида тўлди-риди ва умумлаштириди.

Тошкент область комсомол комитети бюроси программаларни ўзининг кенгайтирилган мажлисида қўриб чиққаннан сўнг икки кишининг — Бука район агросаноат бирлашмаси ре-монт-ишлаб чиқариш кор-хонасининг диагностика бў-йича инженери Пулат Аб-дулазизов ҳамда Оққўрғон районидида «Оққўрғон» колхозининг элита хўжалиги мудири Исmoil Масолев номзодларини кўрсатди.

Шуни ҳам таъкидлаш ке-раки, СССР халқ депу-татлигига номзод кўрсатиш кампаниясига ҳамма комсомол ташкилотлари ҳам яхши тайёргарлик билан келмаганлар. Чунотчи, Ле-нин, Фрунзе, Чилонзор районлари ҳамда Янгийўл шаҳар комсомол комитет-лари СССР халқ депутат-лигига номзодлар юзаси-дан ўз тақлифларини кир-ритмадилар.

Т. ХОЛИҚОВ, область комсомол комитетининг пропаганда ва маданий-оммавий иш-лар бўлими инструктори.

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА УҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ БЎЛИБ ЭТДИ.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА таълим системаси учун мўл-жалланган «Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш, интернационал ва ватанпарварлик тарбия-нинг актуал проблемала-ри» ўқув қўлланмаси му-ҳокамасига шаҳар ва рай-он партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секре-тарлари, масъул ходимла-ри, олимлар, пропаган-дистлар, «Билим» жамия-тининг лекторлари тўплан-дилар.

Муҳокамада Тожкистон ССР Ленинобод* Қозоғис-тон ССР Чимкент област-лари партия комитетлари-нинг масъул ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митетининг секретари М. Ҳ. Холмухамедов очди.

КПСС Марказий Комите-ти ҳузуридида Бутунитти-

фоқ сиёсий маориф уйининг мудири В. И. Степанов, қўлланма муаллифларидан Э. А. Баграмов китоб ҳа-қида қисқача гапириб бе-ришди.

Музокарада сўзга чиқ-қанлар сиёсий ва иқтисо-дий таълимни қайта қу-риш, ўқувнинг мазмунини тубдан янгилаш, унинг ҳаёт, социал-иқтисодий та-раққиётининг энг муҳим ма-салалари билан боғлан та-лаб этаётганини таъкид-ладилар. Бу вазифани амалга оширишда миллат-лар ва миллий муносабат-лар тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот асосла-рига янгича фикрлаш нуқ-таи назардан ёндашиш, меҳнаткашларни интерна-ционал руҳда тарбиялаш назарияси ва практикасига жамиятни ривожлантириш-нинг реал жараёнлари бил-ан узвий ҳолда қараш-жуда муҳимдир.

Марксча-ленинча таълим системаси учун мўлжал-ланган янги ўқув қўлла-ма муаллифлари бунга алоҳида аҳамият берганлар. Унда СССРда миллатлар-аро муносабатларни тако-миллаштиришнинг энг дол-зарб ва муҳим масалалари таҳлил этилган. Бу соҳада эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар очиқ кўрсатилган.

Янги ўқув қўлланмаси ҳақида партия ходимлари, пропагандистлар фикр-му-лоҳазаларини ўрганиш мақ-садида Қозоғистон, Закав-казье ва Болтиқбўйи рес-публикаларида ҳам унинг муҳокамаси ўтказилди. Бу фикр-мулоҳазалар қўлла-манин қайта напз этили-шида ҳисобга олинад.

Кенгашда область партия комитетининг секретари Э. И. Фозилов иштирок эт-ди.

ГАЗЕТХОН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



ПАЙСАЛГА СОЛМАЙЛИК

ЧИРЧИҚ дарёсининг Роҳат кўли яқинидаги қирғоқлари тобора ифлосланиб бормоқда. Айниқса, норуда материаллар заводининг бу ердаги цехлари олдида ахлат уюмлари кўпайиб шу ерда антисанитария ҳолатини кучайтирмоқда. Минглаб тошкентлик меҳнатқашлар дам олиши учун қанчадан-қанча маблағ сарфлаб яратилган ҳордиқ чиқариш масканининг бундай аянчли кўриниши ачинарли бир ҳолдир. Шаҳардаги қатор корхоналар, турли ташкилотлардан ишлаб чиқариш чикиндиси, ах-

лат ортилган машиналар кўпинча ўз юкларини шу ерга тўкиб кетади. Шаҳар ахлатхонаси узокроқ жойлашган — 32 километр нарида. Шофёрлар уёққа борганин эп кўрмай оромгоҳ ҳуснига пугур етказмоқдалар. Буни билан туриб қилишлари кишининг газебини келтиради. Бу ҳолатқа қарши курашилмапти деб бўлмайди. Курашилмапти. Тошкент область сув ресурслари бошқармаси, шаҳар санитария милицияси ва давлат автомобиль инспекцияси билан биргаликда рейдлар

уюштирилди. Айбдорлар жазоланди. Бироқ бу тадбир кутилган натижа бермапти. Оқибатда ахлат ҳамон эски ҳаммом, эски тослиғича қолмоқда. Шунинг учун таъсирчанроқ чора кўриш керак. Масалан, Тошкент—Олмалик автомобиль йўлидан Роҳат кўли томонга буриладиган йўлга назорат-ўтказиш пункти ўрнатилиши керак. Мақсад — ишлаб чиқариш чикиндилери, ахлат ортилган автомобилларнинг ўтишига йўл қўймасликдир. Унинг иккинчи йўли ҳам бор. Шофёрларнинг йўл варақала-

рига шаҳар ахлатхонасига борган вақтини қайд қилишни қондага айлантириш керак. Бу унчалик мураккаб эмас-ку. Фақат ҳафсала керак. Чирчиқ дарёси соҳилларини тўпналиб қолган чикиндилардан тозаланиш ҳам кечиктирмаслик керак. Бу ишни пайсалга солиш эса кунлар исиб кетган вақтда турли хил ноҳушликлар келтириб чиқариши мумкин. Р. ИБРАГИМОВ, табиати мўҳофаза қилиш шаҳар жамияти матбуот маркази муҳбири.

ТОҒ ҒОРЛАРИ— БОЙЛИК МАНБАИ

ТАБИЙ МОЛХОНАЛАР

СўНГИ йилларда Иттифоқимиз, республикамиз ва областимиздаги ғорларни атрофлича ўрганиш туфайли улардан калцит, арагонит, ҳақиқ, тоғ биллурини, флюорит, боксит, фосфорит ва табиий селитра, амелист, мўмие каби фойдали қазилмалар, археологик ва зоологик ёдгорликлар, қадимги чорвачиликни изоҳловчи суратлар топиламоқда. Лекин, ғорлар, айниқса, бизнинг серкүёш республикамизда чорвачилик учун катта аҳамиятга моликдир.

Областимиз ғорларини кўп йиллар давомида батафсил ўрганишимиз жараёнида маълум бўлишича, баъзи ғорлар маҳаллий аҳоли томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини асрашда фойдаланилар экан. Бунга асос бўлиб ғордаги деярли ўзгармас паст ҳарорат хизмат қилади. Бўстонликнинг хушманзара Богистон қишлоғидаги ғорнинг тўпроқ қатламга сабзавот кўмилганлигининг гувоҳи бўлди. Писком қишлоғи яқинидаги Қорабов ғорининг оғзида эса тошли осмон остида етилган тоғ пилэларига дуч келдик.

Областимизнинг қайси тоғига борманг, молхона, говхона, қўйхона, йўлбарсхона, каптархона, бургутхона, бўриуя, лочинхона, шерхона, отхона сингари турли ҳайвон ва қушлар номи билан аталувчи ғорларни учратасиз.

Ҳақиқатан ҳам ғорлар тоғ қушлари ва ҳайвонларигагина бошпана бўлибгина қолмасдан балки чорва моллари ва асаларчилик учун ҳам ноқулай об-ҳаводан ва йирткич ҳайвонлардан сақланишга пана жойдир.

Чирчиқ дарё ҳавзасидаги тоғларда олиб борилган кузатувларимиз кўнгина ғорларнинг олди тош, шохшабба, симтўрлар билан тўсилиб, молхона ўрнида, Писком яқинидаги ғор эса асаларчиликда фойдаланилаётганини кўрсатди. Бундай ҳоли, айниқса, тоғ қишлоқлари атрофида кўп лаб учратиш мумкин. Республикаимизнинг жазирама иссиқ ойларидан чорва молларининг ўзи ҳам кундузи ҳавсидан жон сақайди. Айниқса, айрим ғорларнинг шифтидан томиб турувчи зилол сувлар, яъни табиий душлар ҳам ёзда уларга хузуру бахш этади. Бунга биргина мисол қилиб Бўстонлик ғорларини кўрсатиш мумкин. Тоғда тўсатдан ёнқан қор ва жалалардан сўнг, моллар ғорларда жон сақлаган пайтлар кўп

бўлганлигини, бизга пискомликлар ҳикоя қилиб беришди. Баъзан тоғлардан ўрилган пичан ҳам ғорларга гарамланар экан. Табиат саҳоватини қарангки, баъзи ғорларда тоғлар ҳам бўлган. Бу эса чорвага қулайлик туғдирган.

Демак, областимиз тоғларидаги қулай ғорлардан чорвачилик, асаларчилик каби мақсадларда оқилона фойдаланиш мумкин, бунинг учун арзимаган ҳаҷражат керак. Бу эса тоғли районларда чорвачиликнинг янада ривожлантирилишига ва табиий молхоналарнинг қулайлигига қўшилган ҳисса бўлур эди.

ЎҒИТГА КОН

Тоғлар мўъжизаси бўлиши ғорларда турли фойдали қазилмалар қатори фосфорит ётқиқликлари ҳам учрайди. Қишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ўғит асосан қуш ва ҳайвонлар уя қурган ғорларда ҳосил бўлади ва бир неча турга бўлинади. Ғорларда фосфоритларнинг миқдори бир метр ёрда бўлмай, уларнинг қалинлиги баъзи жойларда 15 метрга етади.

Бундай ғорлар областимиз территориясида ҳам учрайди. Айниқса, каптархона деб ном олганлари фосфоритга бой. Бу жойларда яшайдиган қушлар гўнги ва суяклари тўпроқ билан қоришиб, кимёвий жараёни туфайли табиий ўғитларга айланган. Улар молхона деб аталган ғорларда ҳам кўп. Айниқса, Бўстонликнинг Писком, Угом, Чотқол дарёлари бўйидаги юзга яқин ғорлар турли қалинликдаги гўнг қатламларига эга.

Ғорларнинг айримларида эса кам бўлса-да, табиий селитра ҳам мавжуд. Бундай минерал Чотқол дарёси ҳавзасидаги Оқчелансойнинг чап соҳилида жойлашган ғорда ҳам учратилган ва қазиб олинган.

Бироқ областимиз терри- ториясидаги бу хил ўғитлардан ҳозирга қадар фойдаланилмапти. Тоғли районларимизда уларни органик ўғит сифатида ишлайтиш, айниқса, муҳим. Чунки бу ерлар ҳавоси салқинлиги туфайли кўп экинлар ҳосили вақтида етилмайди. Ана шу ўғитлардан фойдаланиш ўсимликларнинг ривожланишини тезлаштириб, улардан мўл ҳосил олиш имконини беради.

И. ОТАЖОНОВ, СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзо- си.

Бу—қизик

КЎЗИ ЙЎҚ

КЕЙИНГИ йилларда олимларимиз ҳайвон ва ўсимликларда мавжуд бўлган сеҳрли сирларни чуқур ўрганиб, амалда улардан фойдаланиш чораларини қидиришмоқда. Табиий фанлар ичида бу энг кеңиша фан бўлиб, у бионика, деб юритилади. Бионика фани асримизнинг 60-йилларида ривож топди. Бион — грекча сўз бўлиб, ҳаёт элементи деган маънони билдирди. Айниқса, у кейинги йилларда кибернетика фани билан биргаликда мисли кўрилмаган янгиликлар яратмоқда. Мана бир мисол келтирайлик: сиз ёз ойларида кечаси қоронғуликда учиб юрган кўршопалакни, албатта кўргансиз. Кўршопалак эгри-бугри ҳаракатлар қилади, қоронғуликда ўзига керакли ҳа- шаротларни ушлаб овқатланади. Аммо ҳеч вақт дарехт шохига, электр симларига ва бошқа тўсиқларга урилмайди.

Кўршопалакни кўриш аъзо- си, яъни кўзи ҳам йўқ. Ҳўш, нима сабабдан у шунча тез учгани билан бирор тўсиққа урилмайди? Олимларимиз кўршопалакни табиатдаги ҳа- ти-ҳаракатини аниқлаш ус- тида кўп илмий ишлар олиб борди. Натижада шу нарса аниқландики, кўршопалакнинг бош мисисда кучли, ўта- сезгир, бадиисоли лоқаторга ўхшаш махсус органлар мавжуд экан. Кейинги йил- ларда инженер олимлари-

дан бирор камчилики топа олмайси. Ана шу митти жо- ниворларнинг сув устида юришини ҳисобга олиб, ин- женер олимларимиз уларни техникага жорий қилмоқда. Ҳўмладан, ботқоқликда юрвчи машиналар яратил- моқда. Архитекторларимиз асал ари уясининг тузлиш шаклига қараб, янги турар- жой бинолари лойиҳасини тузишмоқда.

Бу кўнча табиатда ҳали ўр- ганилмаган мўъжизалар кўп, уларни келажакда чуқур ўр- ганиб, халқ хўжалигида фойдаланишимиз зарурдир. Ҳўрматли газетхонлар! Сиз- лар табиат бегриде бўлган- нингизда жуде кўп сирли воқеаларни кўришга муяссар бўласиз, уларни синчиклаб ўрганишга ҳаракат қилинг, аминимизки, келажак ҳаёти- нгизда ердэм беради.

Н. ЭРГАШЕВ, биология фанлари номзо- ди.

КЎРАДИ

Бу—қизик


АММО

миз кўршопалакнинг мия органини чуқур ўрганиб, ло- қаторлар системасини янада мукамаллаштирмоқдалар. Одий кўнғизларнинг та- насиде ҳаракат тезлигини ўлчовчи махсус аъзо бор- лиги ҳам аниқланган. Шу сабабли кўнғизлар бир те- кис учеди. Ургимчаларни табиат архитекторлари, деб бекорга айтишмайди. Улар ўз уясини шундай қуради- ки, шакл ва мазмун томони-

ТАБИАТ АҚОЙИБОТЛАРИ



Уч кўзли сингир.



Тўрт шоҳли қўй. Х. Мирзақариев, Д. Аҳмедов фотолари.

ҚАРОҚЧИ БАКТЕРИЯЛАР

Чехословакиядаги Ческе- Будеёвице шаҳрининг архив- ларидан бирида шубҳали фавулодда ҳолат содир бўлди — ҳужжатлар йўқитил- ди. Агар аниқроқ қилиб ай- тиладиган бўлса... ҳужжат- лардаги босма текстлар йўқо- либ, қоғоз ҳеч нарса ёзилма- гандай бўлиб қолди. Мутахассислар синчиклаб текшириш ўтказганларидан кейин узоқ вақт ётган архив фондларига зарарни шу вақт- гача маълум бўлмаган бак- териялар етказганлигини аниқладилар. Улар омборда- ги қулай шароитларда кўпа- йиб кетган. Ҳозирги вақтда бактерияшунослар бу кўзга кўринмас «қароқчи»лардан босиш учун фойдаланишган қозғозларни сановат усули билан тозалашда фойдаланиш- га уриниб кўрмоқчилар.

РЕЗИНА ВА ТИШ

Америкалик мутахассис- ларнинг аниқлашича, чайна- ладиган резина доим истеъм- ол қилинса тишини, айниқса, улар шу вақтгача даволан- ган бўлса, емирар жан. Ҳат- то суъбий тишлар ҳам зар- раланади. Ота-оналар, агар фарзандлари резинани кўп чайнашса уларнинг тишлари ҳолатини кузатиб туришга кўпроқ эътибор беришлари керак.

«ЎСИМЛИКЛАР» ЧАЙНВОРДИ



- 1. Шох-шаббалари тўп бўлиб ўсадиган серсой дарехт. 2. Жийденинг шифобахш мевали тури. 3. Уруғидан хушбўй эфир мойи олинадиган бир йиллик ўсимлик. 4. Меваси доривор рёзногул тури. 5. Гулидан эфир мойи, медицинада мен- тол олинадиган ўтлар туркуми. 6. Тик ўсувчи дарехт. 7. Баъзи турлари гултувакларда ўсти- риладиган тиканли ўсимлик. 8. Қамишсимон бўғимли, сув ёки кўл ўсимлиги. 9. Умрибоқий дарехт. 10. Банди нордон, ил- дизи шифобахш ўсимлик. 11. Гул тури. 12. Дунқакли экин. 13. Танаси тиканли чўл ўти. 14. Узбекистонда етиштириладиган дон нави. 15. Халқ табобатида қадимдан фойдаланилган кўп йиллик захарли ёввойи گیёҳ. 16. Тўқай ўсимлиги. 17. Фовлаб ўсадиган ёввойи ўт. 18. Игна баргли дарехт. 19. Ерилдази бе- гона ўт. 20. Баҳорда очилади- ган ёввойи гул. 21. Сугорилла- диган ерларда ўсадиган, чорва озуқаси бўлган чирмовиқ ўт. 22. Ўсимликнинг уиниб, барг, гул, шох каби аъзоларига ай- ланадиган қисми. 23. Шолпоъ- ларда ўсадиган бегона ўсим- лик. 24. Қорақайнларга ман- суб мевали дарехт. 25. Дук- какли экин.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.

Янги рубрика: БОЛАЛАР ВА БИЗ



AKS SAADO AKS SAADO AKS SAADO

«Бола бозор-учарга ўрганса ёмонми?»

МАҚОЛАСИ ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

Газетамизнинг ўтган йил 10 декабрь сонид...

ШУҒУЛЛАНСА БУЛАВЕРАДИ

«Бола бозор-учарга ўрганса ёмонми?» мақоласини ўқиб, жуда ҳаётий зарур м...

Мен қилшоқда ашайман. Оиласида болалари кўп хонадонлар анчагина. Уларни кийдириш, едириш, керакли ўқув қуроллари билан таъминлаш учун қанча маблағ зарурлигини серфаранд ота-оналаргина билишади.

бўлиб кетганлигини ўз кўзим билан кўрганман. Бунақа мисолларни кўп келтиришим мумкин. Болалар бозор-учарда ота-оналарига қўмақлашиши тарафдориман.

А. ЖАЛИЛОВ, Паркент районидagi Намданак қишлоғи.

БОЗОРДАН АСРАНГ

Кўп йиллар мобайнида педагоглик қилдим. Ҳозир пенсиядаман. Мақолани қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Сўзининг бошидаёқ айтиб қўя қолай. Болани зинҳор бозорга йўлатманг. Тарбияси бузилади. Узинг Эски шаҳардаги бозорга яқин жойдаги мактабда ишлаганман. Бозор-учар билан шуғулланган боланинг ҳули-атвори, одоби, ўзлаштириши қанақа бўлишини биламан. Улар билан суҳбат ўтказавериб тинчман қуриган. Шу мақолани ўқитганимдан кейин «бола бемалол бозор-учар қилаверсин», деган ўртоқларнинг сўзларидан анчагина ғазабланиб ўзимни боса олмадим. Тошкент шаҳар С. Раҳимов райони ўсмирлар иши билан шуғулланувчи ички ишлар ходимлари — милиция майори Д. Ҳасанова, милиция капитани Р. Аҳмедов билан суҳбатда бўлдим. Икковлари ҳам болаларнинг бозорда бўлишига эътироз билдиришди. Бу иш билан шуғулланган ўсмирларнинг ўқишга эгилиши, бора-бора ҳули бўзилиб кетишини таъкидлашди. Демак, фикрим тўғри экан.

Болалар, ўсмирлар мактаблардаги тўғарақларда,

пионерлар уйларида шуғулланишсин. Уқийни яхши ўқиб, келажақда бирон бир касбнинг эгаси бўлишини дейман.

Ҳ. ЙУЛДОШЕВ, ветеран-педагог, Тошкент шаҳри.

ЕМОН ТАРБИЯ БУЗИШИ

МУМКИН

Мен ўқувчиман. «Бола бозор-учарга ўрганса ёмонми?» мақоласини синфдошларим билан бирга ўқиб чиқдик. Менимча, 16 ёшдан бошлаб бола бозор-учарда ота-онасига қарашини керак. Чунки у ҳам турмушга ўрганиб боради. Болалар пулга ўрганаверишсин. Ҳеч қачон тарбияси яхши бола ота-онасининг бир сўминга бекорга совурмайди. Бозорда оилга қўмақлашадиган кўпгина ўртоқларимни биламан. Уларнинг ҳаммаси одобли болалар. Биронтасидан ёмонлик қилмагани.

М. МИРСОАТОВА, Пискент шаҳри.

КАТТАЛАР НАЗОРАТИДА

БЎЛСИН

Жамоатчилик муҳокама-сига ҳавола қилинган мақола болалар тарбиясида муҳим роль ўйнашини назарда тутиб фикр билдирмоқдаман. Агар бола бозорда чайқовчилик қилса у келгусида текинхўр бўлиб етишади. Мабодо у томорқасида етиштирилган мева, сут, қаттиқ ёки бошқа чорвачилик маҳсулотларини ўқинга ҳалақат бермайдиган пайтларда сотса унга қарши эмасман.

Болалар ўзлари ишлаб мева-чева, маҳсулотлар етиштирсинлар, уларни бозорга олиб бориб сотиб, пулини ота-оналарига берсалар бунда фарзандларимиз маънавияти бузилмайди.

Ҳ. МАВЛОНОВ, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълоиси, Тошкент шаҳри.

УИ-РЎЗГОРНИ

УРГАНИШИ ШАРТ

Беш фарзанднинг отаси, 18 неваранинг бобоси бўлгани учун мақола ҳақида пухта ўйлаб, фикрлаб мулоҳаза билдирайман. Урушдан олдинги йиллар эди. Оиламида иккита сиғиримиз, ўн та қўйимиз, томорқамизда 150 туп ўрик, олма ва ноқларимиз, 100 - тупдан ошпақ гилосимиз бўларди. Отамиз ўрта дехқон бўлиб

бу боғларимиздаги меваларни 85—90 фоизини ширкатларга қўтарасига сотиб, 10—15 процентини беш фарзандларига, яъни бизларга бўлиб берардилар. Ака-укалар ўзимизга тақсимланган меваларни ўзимиз териб бозорга олиб бориб сотардик. Пулга ота-онамиз бизга ёққан кийим-бошлар, поабазаларни олиб берардилар.

Ҳоҳо бозорга бормаймиз, деб ноллиб қолдиган бўлсан, отамиз бола меҳнатни ҳам, бозорни ҳам билиши керак. Келажақда яшани осон бўлади, деб таълим берардилар ва сўзларида қаттиқ турардилар. Шундай бўлди. Фақат бизлар эмас, отамнинг неваралари ҳам сут-қаттиқ сотишда, мева-чеваларни сотишда оилга қўмақлашиб юрдилар. Бу ишдан ҳеч кимнинг тарбияси бузилиб кетмади. Ёшлиғида бозор-учар билан шуғулланган болалар орасидан журналист, учувчи ва бошқа ҳурматга сазовор бўлган турли касб эгалари етишдилар.

А. НАБИХЎЖАЕВ, меҳнат ветерани.

АЙБ ЭМАС

Хурматли «редакция ходимлари!» Мен шу йил 10 декабрь «Тошкент ҳақиқати» газетасининг шабаба сонида босилган «Бола бозор-учарга ўрганса ёмонми?» мақоласини ўқиб ўйга толдим. Мана, тўрт-беш кундан бери қалам оламану яна қўяман. Нега десангиз, бизнинг маҳаллий газеталаримиз бир босилган мавзуга жуда камдан-кам қайтадилар. Бу борда биз марказий газеталардан ўр-нак олсак бўлади. Редакция ходимлари бу гапларимга қандай қарайдилар билмадим, лекин шундай бўлса ҳам мақола ҳақида ўз фикримни билдирмоқчиман. Мен ҳам Марказий телевидениенинг «Қайта қуриш прожектори» (ойи, кунни аниқ эсимда йўқ) орқали кўрсатилган кўрсатувни томоша қилганман. У менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Ўл-

камизда бозор кўп. Бозорларда ўз ота-онасига қўмақлашадиган укажонларимиз ҳам кўп. Хўш, агар ёзиб таътил пайтида ёки ўқишдан бўш вақтларида улар ота-онасига ёрдам беришса айб экан-да? Марказий телевидение ҳамда марказий матбуот ходимларининг айримлари бизни республикамиз ҳақида «ўз қаричлари» билан ўлчабга ўрганиб қолганин. Бизнинг оилаларимизда фарзандлар нечта-ю, у томондаги ўртоқларнинг оилаларида нечтадан. Буни ҳисобга олиш керак. Ўзбек оилаларида болалар теизроқ тирикчилик йўлига киришмаса, рўзгор оқсаб қолади. Бу ҳаммага аён бўлиши керак эди. Шунинг учун бозорчи боланинг тарбияси бузилиб кетади деган фикр нотўғри. Аммо бозор-учарда ота-онасига ёрдамлашмай, гаёҳрандликка берилиб, майда ўғирликлар билан шуғулланиб, безорилик йўлига кирган болалар ҳам кўп. Улар билан учрашганимда қанийди булар ҳам уйга эгилиб ота-онасига қўмақлашса, ҳаётни ачиқ-чучуғини тушуна деган ўйларга бораган. Турмуш кеиришига хизмат қилган бола тарбияси бозорда бузилмаслигига ишончим номил.

Ш. САМОТОВ,

ички ишлар ходими, Катта лейтенант, Тошкент шаҳри.

Ана шу хатлардан ташқари Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи ветеран-педагог, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълоиси Ф. Нуридинов, ишчи А. Юнусов, хизматчи А. Файзиев ва бошқаларнинг мактубларида ҳам мақола юзасидан турли фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, улар оилдаги меҳнат эвазига етиштирилган маҳсулотни сотишда ота-оналарга қўмақлашган болаларнинг бозорда бўлишларига эътироз билдирмаганлар. Бозор-учар билан шуғулланганларни ҳолда энг аввало ўқинга кўпроқ эътибор беришлари кераклигини таъкидлаганлар.

РЕДАКЦИЈАДАН. Мақола ҳақида билдирилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, боланинг бозор-учар билан шуғулланиши ҳақида ҳар кимнинг фикри ҳар хил. Албатта редакция бу мақолани ёритар экан, «бола бозор билан шуғулланмасин ёки шуғуллансин» деган фармоишини мақсад қилиб олгани йўқ. Биз бир газетхоннинг саволига жавоб тариқасида ўз ўқувчиларимиз билан мулоқот юритганимиз. Лекин мавзу кўпчиликни қизиқтириб қолганлиги, хат-хабарлар ҳамон келиб турганлиги туфайли мунозарани тўхтатиб, нуқта қўйиш, яқун чиқариш ва қатъий бир ҳулосага келишга вақт эрта деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун мунозара давом этади, хатларингизни кутамиз, азиз дўстлар.

Нонуштага картошка

ОНА картошка пишириб ўғлининг олдига қўяди: — Мен картошкали овақ емайман, — деди ўғил. — Яя, ҳали мен сенга деб атай пиширган картошкани емайсанми, ундай бўлса шошмай тур, — деди-де тўқмоққа буюрди: — Ур ўғлимни! — Урмайман болани, — деди тўқмоқ. Шунда онанинг жаҳди чиқиб оловга буюрди: — Ендир тўқмоқни! — Ендирмайман тўқмоқни, — деди олов. — Онанинг баттар жаҳди чиқиб, сувга буюрди. — Учир оловни! — Учирмайман оловни, — деди сув. Энди она сиғирга ялиниб: — Суви ичиб қўй, — деди. — Ичмайман суви, — деди сиғир. — Онанинг ғазаби ошиб, ўткир пичоққа буюрди: — Сўйиб ташла сиғирни! — Сўймайман, — деди пичоқ. — Онанинг баттар ғазаби қайнаб, темирчига деди: — Пичоқни сандонга ташла, эриб кетсин!

— Пичоқни сандонга солиб эритмайман, — деди темирчи. — Она йўғон арқонга мурожаат қилиб: — Темирчининг оёқ-қўлини боғла! — деди. — Боғламайман темирчинини, — деди арқон. Шундан кейин она сичқонга: — Кемир арқонни! — деди. — Кемирмайман арқонни, — деди сичқон. — Она нима қиларини билмай ҳайрон бўлиб турганда томдан бароқ мушук ўтиб қолди. Она унинг қулогига ниманидир пичирлади. Бароқвой дарров рози бўлди-да: — Қани у сичқон, уни ейдиган мен бўламан! — деди. Шунда сичқоннинг ўтакеси эрилиб: — Кемираман, кемираман арқонни! — деди жондолат-да. — Боғлайман темирчинини! — деди арқоннинг бошқа илоҳи қолмай. Темирчи арқоннинг ҳаракатини сезиб: — Пичоқни ҳозироқ сандонга солиб эритаман, — деди.

Пичоқ ҳам оловнинг иссиғидан кўрқиб: — Сиғирни сўяман! — деди шошиб. — Сиғир ҳам пичоқнинг қуёш нурида ярақлашини кўриб: — Суви бир томчи қўймай ичиб қўяман, — деди. — Сув ҳам сиғирнинг келаятганини кўриб: — Учираман оловни, — деди. — Олов сувининг шалдирашини эшитиб: — Ендираман тўқмоқни, — деди. Тўқмоқ оловнинг аланга олаётганини сезиб: — Овақ емаётган бола қайсиниси ўзи, менга бир кўрсатиб қўйинглар, — деди шоша-пиша. Эндигина ўрнидан қўзгалган тўқмоқни кўрган бола: — Жон, ойижон, ейман овқатимни, — деб бир зум ўтмай қошиғу товоқчани ялаб, онасига кетма-кет раҳматлар айтиб, онасини бундан кейин хафа қилмасликка ваъда берди-да, ўйнагани кўчага югуриб кетди. Араб тилидан Абдураҳмон ҒАФФОРОВ таржимаси.

«МЕН ЮРТИМНИНГ ПОСБОНИМАН»



Армиядан қайтди акам, Суоңчи олдим. Ҳали ёшим етмаса ҳам Солдат бўпқолдим. Командирга шундай туриб Бераман салом. Кўзларимда қувонч тўлиқ Яшнайдим олам. Мен юртимнинг посбониман. Асло толмасмақ, Қўриқлайман осмонини Қурол олмасдан. Саид ВАЛИ. Х. Мирзакаримов фотоэюди.



ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

Душанба, 9 январь

◆ МТ-I

7.00 «120 минут», 9.05 Грибовский артистка. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар, 11.20 Янгилар. 11.30 Қисқа метражли бадий фильмлар. 12.30 Ҳужжатли фильмлар. 16.00 Янгилар. 16.15 Шоир Ю. Этин билан учрашу. 17.15 Ҳужжатли фильм. 17.35 Мультфильм. 18.35 Саҳий кеча, хайрли кеча. 19.10 Шерият лаҳзалари. 19.15 Танишинг — Вечора Юрич. Телеочерк. 19.45 Автопортрет. 20.30 Ж. Пуччинини «Тоска» операси. 21.30 «Время». 22.05 Операнинг давоми. 23.35 Дунё воқеалари. 23.50 Ҳужжатли фильм.

◆ МТ-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Болалар сеанси. 10.00 Италия тили. 10.30 Тўлини иргата билиш. Филм-спектакль. 12.00 Метроном. 12.45 Янгилар. 12.55 Болалар учун фильм. 14.00 Ҳужжатли фильм. 14.20 Муслиқвий дам олиш онлари. 17.35 Янгилар. 17.45 Циркни ҳамма севади. 18.30 Совет Иттифоқида хизмат қиламан! 19.30 Қирғизистон ССР — Давлат телерадиоси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.00 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ҳужжатли фильмлар. 22.55 Тонгги почта. 23.25 Янгилар.

◆ УэТВ

15.00 Светофор. 16.00 Фильм-концерт. 16.30 Сехри гул. Юбилей спорт саройида Янги йил арча байрами. 17.40 Лаҳза. Фильм-концерт. 18.00 Янгилар. 18.10 Агротсаноат: тажриба ва муаммолар. 18.40 Портрета чиғи. Коргар. 19.10 Аҳоли рўйхати ҳисобчиси. 19.30 Арманистон мусибати — ҳаммамнинг қайғуси. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ҳаётга қайтиш. Бадий фильм. 1-серия. **ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.30 Телеграммалар... Фильм-рево. 20.30 Тошкент студияси курсатади. «Шаҳар ташвишлари ва юмушлари», 21.15 Оқшом эртақлари. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Сешанба, 10 январь

◆ МТ-I

7.00 «120 минут» 9.05 Кулаётган киши. Бадий фильм. 1-серия. 10.20 Шоир Ю. Этин билан учрашу. 11.20 Янгилар. 11.30 Мультфильм. 12.30 Ҳужжатли фильм. 16.00 Янгилар. 16.15 Қайта куриш прожектори. 16.25 Ҳужжатли фильмлар. 17.25 Кобзар йўллари. Фильм-концерт. 17.50 Кремлда Янги йил арча байрами. 18.35 Фан: назария, тажриба, практика. 19.20 Дунё воқеалари. 19.35 Ҳужжатли фильм. 19.45 Хокимият — Советларга 20.15 Мультфильм. 20.25 Балет-вариациялари. 21.00 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Матбуот билан учрашу. 22.30 Резонанс. 24.00 Дунё воқеалари.

◆ МТ-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Звездочка. 10.10 Француз тили. 10.40 Концертдан олдин. Музиқали фильм. 11.00 Француз тили. 11.30 Маҳкаматлар оша юлдузлар сари. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 13.55 Ҳужжатли фильмлар. 14.35 ва 17.35 Янгилар. 17.45 Аэропортда-

ги воқеа. Бадий фильм. 1-серия. 19.05 Концерт. 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.50 Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.50 Кимсиз, Торедор? Испан корридаси ҳақида. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Аэропортдаги воқеа. Бадий фильм. 1-серия. 23.35 Футбол. «Динамо» (Тбилиси) — «Вердер» (ГФР). Танафусда — Янгилар.

◆ УэТВ

15.00 Телефильм. 15.55 Дельфин ҳайкириги. Бадий фильм. 17.30 Илмий-оммабоп программа. 18.00 Ешлик студияси курсатади. 19.20 Концерт. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 1988 йилги механизаторлар социалистик мусобақасининг голиблари — студиямиз мөҳмони. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Ҳаётга қайтиш. Бадий фильм. 2-серия. **ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.20 Йўқолган исм. Бадий фильм. 20.35 «Хуш келибсиз! АҚШдик қўшиқчи ва созанда Питер Химмерман — студиямиз мөҳмони. 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Чоршанба, 11 январь

◆ МТ-I

7.00 «120 минут», 9.05 Кулаётган киши. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.30 Янгилар. 11.40 Мультконцерт. 12.20 Концерт. 12.55 Ҳужжатли фильмлар. 16.00 Янгилар. 16.10 Сайловлар олдидан. 16.20 Ҳужжатли фильмлар. 16.55 Музиқали хазина. Э. Григ. Концерт. 17.30 Болалар саати. 18.30 Тараққий. Ахборот. Реклама. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильмлар. 19.45 Сиз бунга қодирсиз. 20.15 Кулаётган киши. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Новгородда славян азуви ва мэданияти байрами. 23.25 Фильм-концерт. 00.15 Дунё воқеалари.

◆ МТ-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Теваракатроф билан танишиш. 9.55 Ҳужжатли фильм. 10.05 Немис тили. 10.55 Рассом Константин Васильев. 11.35, 12.35 Биология. 12.05 Немис тили. 13.05 Янгилар. 13.15 Аэропортдаги воқеа. Бадий фильм. 1-серия. 14.30 Кит байрами. 14.55 Ҳужжатли фильм. 17.35 Янгилар. 17.45 Аэропортдаги воқеа. Бадий фильм. 2-серия. 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Бадий гимнастика. СССР чемпионати. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Аэропортдаги воқеа. Бадий фильм. 2-серия. 23.30 Футбол. СССР-1 — АҚШ. 00.10 Янгилар.

◆ УэТВ

15.00 Ҳужжатли фильм. 15.15 Кечмишларнинг ҳикояси бу. Бадий фильм. 16.50 Ҳужжатли фильм. 17.20 Янги йил саргузашти. 18.00 Янгилар. 18.15 Инсон ва кунун. 19.15 Тилга эътибор... 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Иқбол. Ешлик студияси курсатади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Оқ бўрилар. Бадий фильм. 21.05 Кубик. Теле-

журнал. 21.15 Оқшом эртақлари. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Пайшанба, 12 январь

◆ МТ-I

7.00 «120 минут», 9.05 Кулаётган киши. Бадий фильм. 2 ва 3-сериялар. 11.40 Янгилар. 11.50 Инглиз тили. 12.50 Ҳужжатли фильм. 13.00 Фильм-концерт. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Бахтли дуст. 16.50 Ҳужжатли фильм. 17.20 Салом, музик! 17.55 Ҳужжатли фильм. 18.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.40 Сени севаман, ҳаёт! Фотоконкурс. 19.45 Ҳокимият — Советларга 20.15 Кулаётган киши. Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Бизнинг суронли давр. В. И. Мухина ҳаёти ва иккунда ҳақида. 23.10 Дунё воқеалари. 23.25 Фестиваллар. Конкурслар. Концертлар.

◆ МТ-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатушослик. 9.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.05 Испан тили. 10.55 Телесидан омон қолган альбом. 11.05 Сиз яратган бег. 11.35, 12.35 Физика. 12.05 Испан тили. 13.05 Янгилар. 13.15 Аэропортдаги воқеа. Бадий фильм. 2-серия. 14.30 Концерт. 17.35 Янгилар. 17.45 Аэропортдаги воқеа. Бадий фильм. 3-серия. 19.00 Концерт. 19.35 Ҳужжатли фильмлар. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.15 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Аэропортдаги воқеа. Бадий фильм. 3-серия. 23.30 Баскетбол. Европа чемпиони. (00.10) Янгилар.

◆ УэТВ

15.00 Болалар учун фильм. 16.35 Телефильм. 16.45 Эстетика асослари. 17.15 ШНО. Телевизион бадий фильм. 17.30 Касблар ҳақида ҳикоялар. 18.00 Янгилар. 18.15 Озик-овқат программаси: фалкорларнинг муаммолари. 18.45 Театр ва замон. 19.45 Комсомол прожектори. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Янги йил учрашувлари (такрор). 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Янги йил учрашувлари (давом). **ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.30 Уйимга таширф буюр. Бадий фильм. 20.45 Онажон, мен эшитяпман. Тошкент шаҳридаги қулгои оғир болалар учун мўлжалланган 102-мактаб ҳақида очерк. 21.05 Телефильм. 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Жума, 13 январь

◆ МТ-I

7.00 «120 минут», 9.05 Кулаётган киши. Бадий фильм. 3-серия. 10.30 Концерт. 11.30 Янгилар. 11.40 Новгородда славян азуви ва мэданияти байрами. 12.50 Халқ ижодиёти. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Болалар учун фильм. 17.35 Ҳужжатли фильмлар. 18.15 Концерт. 18.50 Мультфильмлар. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Интерсигнал. 20.00 Шерият лаҳзалари. 20.05 Кулаётган киши. Бадий фильм. 3-се-

рия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Шундай бўлган, бўлган... 22.30 Детектив ўйини. Телеспектакль. 23.45 Ниғоҳ.

◆ МТ-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 А. Н. Толстой. Никитининг Болалиги. 10.05 Инглиз тили. 11.05 А. М. Горький. Тубанликда. 11.35 Интерспектр. Интервидение программалари. 12.05 Инглиз тили. 12.35 Янгилар. 12.45 Аэропортдаги воқеа. Бадий фильм. 3-серия. 14.00 Музиқали курсатув. 14.55 Ҳужжатли фильм. 17.35 Янгилар. 17.45 А. П. Чехов. Тўй. Бадий фильм. 18.55 Ҳужжатли фильм. 19.15 Мультфильмлар. 19.55 РСФСР шаҳарлари телестудияси. Чита телевидение — студиясининг программаси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.00 Ритмик гимнастика. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 А. П. Чехов. Тўй. Бадий фильм. 23.25 Янгилар.

◆ УэТВ

15.00 Қизлар ва оналар. Бадий фильм. 16.30 Золушка. Балет. 18.00 Янгилар. 18.15 Кинолаҳза. 18.20 Концерт. 18.45 Уруғчилик — саноат асосида. 19.15 Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Янги йил учрашувлари. (Янкор). 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Янги йил учрашувлари (давом). 23.35 Маҳбубамга аталган уч лимон. Бадий фильм. **ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

20.30 Ҳужжатли фильмлар. 19.45 Республика модалар театрининг Янги йил томошалари. 21.15 Оқшом эртақлари. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Шанба, 14 январь

◆ МТ-I

7.00 «120 минут», 9.05 Концерт. 9.20 Уй академияси. 9.50 Инсон институти. 10.20 Ҳужжатли фильм. 11.20 Жаҳон халқларининг ижоди. 11.55 Социализм мамлакатларида. 12.25 Биз қандай дам оляяпмиз? 13.00 Биз билан қол. Гибевандликни даволаш ва уни олдини олиш муаммолари ҳақида. 13.30 Иттифоқдош республикалар киносанъати. Молдавия киносини. 15.00 Дунё воқеалари. 15.15 Ҳайвонот олимпиада. 16.15 Езувчи Б. Шергин ижодида бағишланган курсатув. 17.20 СССР халқ артисти А. Папанов иштирок этган фильмлар. Дон Кихот болалари. 18.35 Халқаро программа. 19.35 Эфирда музика. 20.30 Янги йилнинг музикали оқшоми. 21.30 «Время». 22.05 Телетомошабин ҳамроҳи. 22.20 Янги йил музикали оқшоми курсатувининг давоми. 00.20 Монтаж. Ешлар телефелетони.

◆ МТ-II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгилар. 9.45 Концерт. 10.30 Ҳужжатли фильмлар. 11.10 Хурсандмиз, бахтлимиз, истеъдодлимиз. Бадий фильм. 12.40 Украина ССР Давлат телерадиоси. Ворошиовград телевидение студиясининг программаси. 13.40 Телевизион музикали абонемент. 14.50 Болалар учун фильм. 16.15 Юрмала-89 18.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.30 Баскетбол. АҚШ чемпиони. «Атланта Хоукс» — «Детройт Пистонс». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Миллатлар-

аро муносабатлар: тарихий тажриба ва муаммолар. 21.30 «Время». 22.05 Копот жодугари. Фильм-спектакль. 23.40 Янгилар.

◆ УэТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Ешлик студияси курсатади. 11.00 Ҳўлимиздаги стадион. 11.30 Ҳужмасликка барҳам берайлик! 12.00 Подшо Петр ўз ҳабабини қандай уйлантиргани ҳақида қисса. Бадий фильм. 13.35 Замон ва маросимлар. 14.15 Элга хизмат: талаб ва тақриф. 15.15 Биз танлагани йўллар. Тақдир оғир кишилар ҳақида уч қисмли очерк. 18.00 Мультфильмлар. 18.30 Тенгдошлар. 19.15 Санъат олами. 20.00 Ахборот. 20.20 Нештар. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари. **ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

18.00 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Якшанба, 15 январь

◆ МТ-I

8.30 Янгилар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Нега ва нима учун? 10.00 Будилик. 10.30 Совет Иттифоқида хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Сёҳатчилар клуби. 13.00 Болалар учун курсатувлар. 14.30 Музиқали кинос. 15.00 Эдореве. 15.50 Жаҳоннинг йирик музейи. 16.25 Ералаш. 16.55 Маҳмуд Эсамбеков театри. 17.30 Қишлоқ янгилар. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильмлар. 20.15 Уттиз уч. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор! 22.20 Унутилмас оҳанглар. 23.50 Янгилар.

◆ МТ-II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Тўй. Бадий фильм. 9.55 Ҳужжатли фильм. 10.15 Янгра, гармон! 11.50 Мультфильм. 12.00 Сёҳатчилар клуби. 13.00 Ҳужжатли фильм. 13.30 Хоккей. «Пос-Анжелес Кингз» — «Питсбург Пингвинз». 15.30 Таллиннинг музикали манзаралари. 15.50 Мультфильмлар. 16.20 Ҳужжатли фильм. 16.40 Совет эстрада қўшиқлари вш ижрочилари «Юрмала-89» Бутуниттифоқ конкурси. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Сиз бунга қодирсиз. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор! 22.20 Чет эл фильмлари экрани. 23.45 Янгилар.

◆ УэТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Қўшигим, жон қўшигим. 10.30 Қувнок стартлар. 11.15 «И» операциеси ва Шурининг бошқа саргузаштлари. Кинокомедия. 12.45 Шаҳмат мактаби. 13.45 Иккинчи истеъдод. Ер юрган қўчалар. Халқ театри ижрочилари ҳақида ҳикоя. 14.45 СССР халқ депутатлигида сайловлар олдидан. 15.15 Ота-оналар университети. 15.45 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг юбилей кечаси. 17.15 Реалама. 17.35 Мактаб ўқувчилари учун. Сен ҳангидга ва сен учун. 18.20 Хотира. Абдулла Авлоний. 19.00 Олемга сөҳат. 20.00 Ахборот. 20.20 Хор-қизлар. Сизлар учун. 20.30 Ахборот. 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 «Время». 22.05 Санъат усталари. УзССР халқ артисти Фани Аъзамов.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

15.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

«ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ»НИНГ ИККИНЧИ УМРИ

МАҚСУД Шайхзода «Жалоллидин Мангуберди» драмасини бундан кўра беш йил муқаддам ўзгариб, адабиётимизда бундай мураккаб тақдирли асарлар камдан-кам. Драма 1943 йилда ёзиб тугалланиб, 1944 йилда Ҳамза номи театрида атоқли режиссёр М. Уйғур томонидан муваффақият билан саҳналаштирилган. Уни театр санъати мухлислари қизгин кутиб олишган. Академик ёзувчи ва шоир Ойбек билан Гафур Фулом драмини жуда юқори баҳолаганди. Жумладан, улар «Кўндан буён узун умрлик, фикрий ва бадиий салмоқдор сахна асарларини орзу қилган эдик. «Жалоллидин» бу орзуимизга жавоб беришга қодир», деб ёзишган.

Шунга қарамай бу асарга ҳам шахсга сизнинг иллатлари ўз таъсирини ўтказди. Натижада, у сабаби халққа очик-ошкор айтилмай репертуардан олиб ташланди. Оқибатда бу драма узоқ йиллар қайтиб сахна юзига кўрмади. Бундан ташқари, китобхонлар ҳам ундан баҳраманд бўлолмадилар. Чунки мазкур драма шоирнинг алоҳида тўплами сифатидагина эмас, ҳатто кўп жыллик асарларидан ҳам ўрин олмади. Бошқача айтганда, бу асарнинг нашрини кўриш М. Шайхзодага тириклик чоғида nasib этмади.

Бу ҳақда ўйлаганинг сайин қайта кўриш ва ошқоралик даврига таҳсинлар айтишнинг кераги. «Жалоллидин Мангубердини бизга жамиятимиз ҳақида юз бераётган ана шу ижодий ўзгаришлар муҳити қайтари берди. 1988 йилда Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти уни китобхонларга тақдим этди. Мақсуд Шайхзоданинг 80 йиллиги муносабати билан унинг «Боқий дунё» тўплами нашр этилди. Мазкур нашрдан «Жалоллидин Мангуберди» ҳам муносиб ўрин олди.

Утган йилнинг охириг кунлари телетомошбабинлар мазкур драма асосида суратга олинган видеофильмини томоша қилдилар. Маълумки, яқин кунларда М. Шайхзоданинг 80 йиллик юбилейи нишонланади. Бу видеофильм телевидение ижодкорларининг бу санага муносиб совғаси бўлди.

«Жалоллидин Мангубердини телестановка қилиш режиссёр Ҳамид Қахрамоновнинг кўп йиллик эзгу орзуси эди. Асарнинг «Ешлик» журналида эълон қилиниши унинг ана шу мақсаднинг амалга ошишига туртки бўлди. Дарҳақиқат, асарни томоша қилар эканмиз, режиссёрнинг жуда катта кучгайрат ва илҳом билан ишлаганлигини ҳис этамиз.

Режиссёрнинг асосий муваффақиятларидан бири — у кўпгина роллари оқилона тақсимлай олган. Айниқса, Султонбегим (Сайёра Юнусова), Жалоллидин (Мурод Ражабов),

Насавий (Ёқуб Аҳмедов), Темур Малик (Матқуб Матқонов), Бадриддин (Ғайбулла Ҳожиёв), Чол (Саъдихон Табибуллаев) ва Эльборс (Пўлат Носиров) образлари ўз ижрочилигини топган.

Маълумки, «Жалоллидин Мангуберди» театр саҳнасига мўлжалланган асар. Режиссёр эса ундаги воқеаларни кенг табиат кучоғига олиб чиққан. Табиийки, бу қанчадан-қанча ижодий изланиш талаб қилган. Муҳими, Ҳ. Қахрамонов меҳнатлари зое кетмаган. Сабоби, видеофильм сюжети табиий ва таъсирчан чиққан. Шу-

ни билгач, уни ватанпарвар акеси Жалоллидин қўлига топшириб чиқиб кетди. Режиссёр талқинида эса Бадриддинга Султонбегимнинг ўзи ханжар уради. Бундай ўзига хос ечим, умуман олганда, Султонбегим характерида бутунлай ёт эмас. Ахир унинг гўзал ҳаётини поймол этган, қолаверса, халқга сўқинилик қилган Бадриддинни Султонбегимнинг ўлдирishi воқеаларнинг мантиқий давомидай таассурот қолдиради. Режиссёрга бу анчагина сахналарни қисқартириш имконини берган.

Султонбегим — видеофильм



СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) видеофильм постановкачи-режиссёри Ҳ. Қахрамонов актёр М. Ражабов («Жалоллидин») ва оператор А. Қўчқоров билан суратга олиш майдонида; Темур Малик ролда (ўртада) М. Матқонов. Э. Муҳамедов ва Б. Сиддиқов фотолари.

нинг учун ҳам томошбабинлар уни ҳаяжон билан томоша қилдилар. Тўғри, бу борада мураккаб сўзламалар (Катогон нўвнинг кўр этилиши, жанг сахналари каби)ни муваффақиятли амалга оширган оператор А. Қўчқоровнинг ҳам ҳиссаси катта.

Режиссёр пьесага анча ижодий ёндашган. Баъзи воқеаларни қаҳрамон характерида келиб чиқиб ўзгариштириш ва қисқартиришга журъат этган. Бу ҳол видеофильмга бирмунча муваффақият олиб келган. Ўзгариштирилган кўпроқ Султонбегим образида кўринади. Асарнинг сахна вариантда Султонбегим қўлга туширган асирнинг Бадриддин эканлиги

даги энг ҳаракатчан образлардун. У воқеалар ривожиде назокатли шох қизидан ҳақиқий мард ва ватанпарвар даражасига гача ўсиб боради. Жасур акеси Жалоллидин қадр юксакликка кўтарилади, кокилин яшириб ва қўлига қурол олиб Ватан ҳимоясида бўлади. Бу муваффақиятли образни театр саҳнасида бириччи бўлиб СССР акеси артисти Сора Эшонтураева ижро этганди. Энди унга режиссёр Сайёра Юнусовани тақлиф этиб янглишмаган. Чунки Султонбегим унинг Ҳамза театри саҳнасида яратган Зебуннисо образидан кейинги жиддий ижодий ютуғидир.

Актёрлар ижросига тўхтал-

ганда албатта, бош қаҳрамонга алоҳида муносабат билдириш керак. Жалоллидин ролини таниқли актёр Мурод Ражабов ижро этган. У жуда кенг диапазонли ижодкор. Лекин унинг мазкур образни тўлақонли талқин этишига ҳали нимадир етишмапти. Бу менимча, грим нотўғри танланганида. Шунинг учундир Жалоллидин, назаримизда, саркардодан кўра кўпроқ фэйласуф олимдек таассурот қолдиради. Негаки от чоптириш саҳнасини ҳисобга олганда, Жалоллидиндаги романтик ва жўшқинликни вазминлик босиб кетган. Эҳтимол, бу актёрнинг ўзига хос ижросидир. Албатта, чинакам саркардалар тадбиркор, ётти ўлчак бир кесадиган бўлишган. Шу нуқтаи назардан бу ижро балки кўпчиликка ёққандир, Лекин менда бу актёрга нисбатан бошқа бир истак туғилди. Агар М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» асари қайтадан саҳналаштирилса, М. Ражабов тайёр Улуғбек экен. Унинг Жалоллидин тимсолидаги ҳаракатлари менинг кўз ўнгимда Улуғбек қиёфасини гавдалантириб турди.

Жалоллидиннинг тарихчиси Насавий Ёқуб Аҳмедов ижросида ўз талқинини топган. Чол образини Ўзбекистон ССР халқ артисти С. Табибуллаев ўта ишонарли яратган. Актёр ролнинг катта-кичиклиги эмас, актёр маҳорати муҳим эканлигини яна бир бор исбот этган. Бадриддин образини эса ёш актёр Ғайбулла Ҳожиёв маҳорат билан гадалантирган.

Видеофильмнинг ютуғи тўғрисида анча гапириш мумкин. Хуллас, бу фильм барчага маъқул бўлганлигига шак-шубҳа йўқ. Лекин мен драма устида узоқ йиллар тадқиқот олиб борганлигим боисидан баъзи бир мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Негаки, ҳали кўпгина ижодкорлар бу асарга қайта-қайта мурожаат этишади.

Авалло, унинг композицияси ҳақида. Асардаги камнда уч серияга етadиган воқеаларни икки серияга жойлаштиришга уриниш бир қатор камчиликларга йўл очиб берган. Жумладан, Султонбегимнинг ватанпарварлик қиёфасини яна ҳам ойдинлаштирувчи Хоразмин ташлаб кетиш пайтидаги изтироблари, Ватан ва галаба учун тақинчоқларини бериши, айил учун сочини кесиши эпизодларининг қисқартирилиши мазкур образни бир мунча камбағаллаштирган.

Яроқбекнинг Жалоллидинга Насавий олдига ханжар уриши ҳам мантиқий бузиб турибди. Умуман, Яроқбек образига видеофильмда етарли эътибор сезилмади. Ваҳоланки, бу образ адошган кимсаннинг яхшигина қиёфасини очиб беради. Шу билан бирга у воқеалар ҳаракатида муносиб ўрни бор қаҳрамонлардан эди. Булардан ташқари, Она образи ҳам асар охирида муваффақиятсиз қисқартирилган. Воқеалар у ўзини суьга чўктириш даражасига ўсиб етмай туриб ўзи берадики, бу қолдан томошабин етарли даражада таъсирланмайди.

Темур ТУРАБОВЕВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номи Қўлбемалар институтининг илмий ходими.

«САЙИЛ»

СОЗАНДАЛАРИ

✦ **ЎЗБЕКISTON ССР** Давлат филармонияси ҳузурида қатор ижодий коллективлар ташкил топган. «Сайил» деб номланган виолончел созандалари гуруҳаси ҳам музика шинавалдалари эътиборини тезда ўзига жалб этди.

Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри ҳузурида тузилган мазкур коллектив концерт репертуарини бойитиб, ижрочилик маҳоратини ошириб бормоқда. Кувончли томони шундаки, «Сайил» қисман хўжалик ҳисобига ўтиб, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тадбирларини кўрмоқда. Бу иш эксперимент тариқасида йўлга қўйилди.

Филармония ҳузуридаги яна бир қатор ансамбллар ҳам янгича шароитда ишлашга ўтмоқда. «Ўзбекистон солистлари» ансамбли қисман хўжалик ҳисобида фаоллият кўрсата бошлади.

С. ОДИЛОВА.



САНЪАТКОРНОМИ ХОТИРЛАНДИ

✦ **АНГРЕН** шаҳридаги расмлар галереяси музейида Ўзбекистон ССР халқ rassоми В. И. Уфимцев ижодига бағишланган ижодий кеча ўтказилди.

Мазкур тадбирда актив қатнашган шаҳардаги барча ўрта мактаблар ўқувчилари ҳамда студентлар мўйқалам устасининг турли йилларда яратган асарларини катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Айниқса, rassомнинг Улуғ Ватан уруши йилларида яратган плакатлари, Афғонистон сафаридан илҳомланиб чизган картиналари томошбинларда илиқ таассурот қолдирди.

Шунингдек, кеча иштирокчилери В. И. Уфимцев вафотидан сўнг унинг турмуш ўртоғи Галина Васильевна музей фондига тақдим этган турли қимматбаҳо экспонатлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Ф. КАРИМОВА.

Редактор ўринбосари С. Ф. МУСАЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издаётся на узбекском языке
Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-52-54 катлар ва ошмавчи ишлар бўлими.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(«ХАДРА» майдони)

Тошкент шаҳри ва Тошкент областида яшовчи кўп сонли томошбабинларнинг илтимосларига биноан

«ЦИРКДА АРЧА»

томошаларига

қўшимча чиқишлар эълон қилинади:

11 январда — соат 11, 14, 17.00 да;

14 январда — соат 16, 19.00 да;

15 январда — соат 10, 12, 15, 18.00 да.

Янги рубрика: мураккаб тақдирли асарлар

СПОРТ

ФРИСТАЙЛ

✦ Бакуриани шаҳрида фристайл бўйича СССР кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Москва, Киев, Рига, Минск, Кемерово ҳамда пойтахтимиз вакиллари иштирок этган мазкур мусобақаларда чирчилик Сергей Бренер кумуш ва тошкентлик Ирина Черникова бронза медалларига сазовор бўлдилар.

ШАШКА

✦ Халқаро шашка бўйича халқаро турнир бу сафар Минск шаҳрида ўтказилди. Унда Югославия, Польша, Голландия, Мали ва мамлакатимиз шашкачилари иштирок этишди. Ватанимиз шарофитини ҳимоя қилган тошкентлик Николай Мишчанский мазкур турнирда 10 очко жамғариб, иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Биринчи ўринни эса минский халқаро мастер А. Пресман қўлга киритди.

КЛАССИК КУРАШ

✦ Кеча Оққўрғон шаҳрида область ўсмирлар ўйинлари программаси асосида классик кураш бўйича мусобақалар бошланди. Унда областимизнинг барча шаҳар ва районлардан юзга яқин полковлар иштирок этишмоқда.